

ЁШЛАРДА ЭКОЛОГИК САВОДХОНЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Бобомуродова Наргиза Жўраевна

**Бухоро давлат университети, экология ва география кафедраси
катта ўқитувчиси**

Аннотация: Мақолада замонавий таълим муҳитида талаба-ёшларнинг экологик тафаккури ва саводхонлигини шакллантириш муаммолари ва тенденциялари моҳияти очиб берилган.

Калит сўзлар: табиат, жамият, фан, таълим, экология, дунёқараш, тафаккур, саводхонлик, мазмун, омил, принцип, муаммо, мақсад, метод, шакл, ечим.

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ФОРМИРОВАНИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ГРАМОТНОСТИ У МОЛОДЕЖИ

Бабамуродова Наргиза Жураевна

**Бухарский государственный университет, старший преподаватель
кафедры экологии и географии**

Аннотация: В статье раскрывается сущность проблем и тенденций в формировании экологического мышления и грамотности учащихся и молодежи в современной образовательной среде.

Ключевые слова: природа, общество, наука, образование, экология, мировоззрение, мышление, грамотность, содержание, фактор, принцип, проблема, цель, метод, форма, решение.

CONTEMPORARY TRENDS IN DEVELOPING ENVIRONMENTAL LITERACY IN YOUNG PEOPLE

Bobomurodova Nargiza Zhuraevna

**Bukhara State University, Senior Lecturer, Department of Ecology and
Geography**

Abstract: This article explores the challenges and trends in developing environmental thinking and literacy in students and young people in the modern educational environment.

Keywords: nature, society, science, education, ecology, worldview, thinking, literacy, content, factor, principle, problem, goal, method, form, solution.

Экологик саводхонлик кўпинча табиат бизга берадиган барча неъматларнинг кадр-қимматини барқарор тушуниш, шаҳар, минтақа, бутун Ер сайёраси экологик тизимининг барча элементларининг ўзаро боғлиқлиги, табиат ва экотизимнинг тартибли бўлишини таъминлаш учун ўз улушини ҳис қилиш сифатида тавсифланади. Идеал ҳолда, экологик фикрлаш инсоннинг ижтимоий таркибий қисми ва унинг ўзини табиат ва бутун экотизимнинг

ажралмас қисми сифатида тушуниши ўртасидаги мувозанатни назарда тутди.

Инсониятнинг бутун фаолияти давомида экологик муаммолар тобора кучайиб келган ва уларни ҳал қилиш учун доимо шошилиш чоралар кўришни талаб қилган. Охир-оқибат, инсоният бу муаммоларнинг моҳиятини билиб олди ва фаровон яшаш ўзига энг қулай шароитларни яратиш учун уларни енгиб ўтишни ўрганди. Бугунги кунда экологик муаммолар мавжуд, табиий муҳитнинг экологик муаммолари ва умуман атроф-муҳитни бошқариш эҳтиёткорлик билан ва шошилиш ҳал қилишни талаб қилади, чунки инсон фаолияти ўзининг табиийлигини йўқотиб, тобора ижтимоий хусусият касб этмоқда.

Аҳоли турмуш тарзининг яхшиланиши, илм - фан, тиббиёт соҳасидаги тараққиёт табиий равишда аҳоли сонининг ўсишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида табиий ресурслардан фойдаланиш кўлами ошишига сабаб бўлди.

Табиий ресурслардан нооқилона, режасиз фойдаланиш экологик вазиятнинг ёмонлашувига таъсир кўрсатгани ҳам унинг глобал аҳамият касб этиши билан изоҳланади. Бизни ўраб турган ва соғлигимизга хавф туғдираётган атроф-муҳитнинг ҳолати ҳақидаги маълумотлар барчамизни озми-кўпми экологларга айлантириб қўйди. Инсоннинг негатив фаолияти атроф-муҳитга ҳалокатли таъсир қилса, саёйраамизнинг ҳозирги ҳолати инсон соғлигига ўзига хос таъсир кўрсатади деган фикрлар яшаб турган давримизнинг асосий экологик муаммосига айланди.

Ўзбекистонлик олимлар Ю.Шодиметов, Э.Турдикулов, А.Тўхтаев, Ж.Холмўминов, Р.П.Маматқулов, Х.Мавланов, Э.В.Қодиров, О.Қудратов, А.Н.Нигматов, Б.Зиёмуҳаммедов, Л.Т.Шоносиров, А.Р.Маликовалар экологик таълим, экологик саводхонлик, экологик маданият, экологик тафаккур йўналишида илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ёшлар онгида экологик тафаккурни шакллантириш ҳамда табиатга нисбатан меҳрли муносабатини шакллантиришнинг илмий-назарий, ижтимоий-фалсафий масалалари, муҳим устивор вазифалари, рационал методолик муаммоларини ўрганиш уларнинг тадқиқот объекти сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Экологик саводхонлик муаммоси бўйича манбаларнинг таҳлили ҳозирги кунда бутунжаҳон илмий-педагогик жамоаси томонидан бир қанча умумий тенденциялар мавжудлигини кўрсатмоқда. Булар:

- бизни ўраб турган атроф-муҳит бутун бир яхлит тизимни ташкил этган ҳолда ўз таркибига «инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган табиий аспектларни олади». (Экологик таълим масалалари бўйича ЮНЕСКО комиссияси доклади);

- жаҳонда миқёсида атроф-муҳит инқироз ҳолатида;
- атроф-муҳитнинг инқирози тизимли характерга эга бўлиб, глобал даражага кўтарилмоқда;
- глобал инқирознинг асосий сабаби инсониятнинг табиий ресурсларни ҳолсизлантириш ёки дегредатсияси ҳисобидан иқтисодий ўсиш орқали ўзининг моддий эҳтиёжларини қониқтиришга интилиши билан изоҳланади;
- инқироздан чиқишнинг йўллари нафақат экологик хавфсиз технологияларни ривожлантириш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек инсониятнинг эҳтиёжлари ва турмуш тарзи билан боғлиқ бўлмаган янги ахлоқий нормалар ва ғояларни шакллантиришга боғлиқ бўлади;
- жамиятдаги ахлоқий нормалар ва ғояларни ташкил қилиш жараёнидаги асосий вазифани узлуксиз экологик таълим ва аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш масаласи эгаллайди.

Аҳолининг экологик маъанвияти узлуксиз таълим тизимида шаклланади. Бу муаммони ҳал этишда асосий манба экологик таълим – тарбия ҳисобланади.

Табиатнинг ривожини учун ҳаёт, инсон ва жамиятнинг пайдо бўлиш имконияти туғилган. Табиат ва унинг соф компонентларисиз инсон яшай олмайди. Табиат бағрида бўлишнинг ўзиёқ инсондаги кўпгина экологик фазиларни тарбиялайди: муносабат, исонийлик, бардош, тоқат, куч-қувват олиш, ҳис – ҳаяжон, севиш, рағбатланиш, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к муносабати унинг экологик маданияти даражаси билан белгиланади. Бу эса мамлакатимизда озод ва обод, демократик жамият қуриш, ривожланган бозор иқтисодиёти муносабатларини вужудга келтириш вазифалари билан уйғунлашади.

Бу соҳадаги стратегик юналиш сифатида аҳолининг маълум қисми ва гуруҳлари, шунингдек алоҳида шахсларнинг эътиқоди ва хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатиш назарда тутилади.

Бизнинг фикримизча экология, ўқитиладиган фан сифатида барча экологик муаммолар бўйича аниқ ва тўлиқ маълумотларни ўзида мужжасамлаштириб, мавжуд муаммоларни ечиш, уларнинг олдини олиш юллари, чора-тадбирларини белгиловчи маёқ вазифасини бажариши лозим.

Таълим-тарбия жараёни иштирокчиларини экологик онгли қарорларни қабул қилишга ўргатиш, экологик таълим ва саводхонликнинг асосий мазмунини ташкил қилиб, ҳар қайси инсоннинг юзага келган муаммоларни пайдо бўлишида ва атроф-муҳитнинг зарарланишига уз ҳиссаси борлигини англаш, тушуниб етишга ўргатади.

Экологик билимларни ўқитишда позитив ҳолда ёндошиш зарур. Шу сабабли экологик таълимнинг самарадорлигини таъминлаш учун уни сайёрамиз аҳолисининг барча қатламларига йўналтириш лозим.

Бизнинг аҳолимиз экология ҳақида нимани билади?, «Экологик хавф нима?», каби мавзуларга доир бир қатор, педагоглар иштирокидаги мулоқот-дискуссияларнинг якуни табиатни муҳофаза қилиш зарур ва инсон атроф-муҳитга негатив таъсир кўрсатмоқда деган хулосаларга олиб келади.

Аҳолининг кўпчилик қисми атроф-муҳитнинг ўзи нима? Унинг асосий компонентлари нималар, бу компонентлар бир-бири билан қандай боғланган, уларнинг ҳар бирига ва алоҳида бутун яхлит тизимига инсоннинг таъсири қандай, шунингдек, инқироз ҳолатининг ҳақиқий сабаблари нимада ва экологик вазиятни қандай қилиб ижобий томонга ўзгартириш ҳақидаги тушунчалар, билимларга эга эмаслигини таъкидлашимиз зарур.

Экологик билимлар турли йўналишдашдаги ихтисосликлар бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг ажралмас қисми бўлиши шарт. Шунингдек таълим тизими ходимлари ўз педагогик фаолиятларининг «экологик мазмуни» ни тушунган ҳолда таълим жараёнидаги барча фанларни ўқитишда экологик билимларни интегратциялаш, уйғунлаштиришга эришмоғлари муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий таълим м таълимнинг қуйидаги метод, шакл ва усуллариغا риоя қилинганда ёшларнинг экологик дунёқараши ва табиатга бўлган муносабат шаклланади:

- ўқувчи ёшларни доимий тарзда экологик билимларни эгаллашга ундаш (ролли ва ишбоп дарслар, конференция, суҳбат дарслари, ўқувчиларнинг доклади ва викториналар)

- ёшларни ижодий тафаккурини ривожлантиришга кўмаклашиш, инсоннинг табиатни асрашга қаратилган фаолият кўра билиш кўникмаларини шакллантириш (бу методлар ақлий фаолиятни шакллантиришга қаратилган: таҳлил, синтез, қиёслаш, келиб чиқиш сабаларини ўрганиш ҳамда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган анъанавий яъни: суҳбат, кузатиш, тажриба, лаборатория ва х.к.з бўлиши мумкин)

- экологик қарорларни қабул қилиш ва янги билимларни эгаллашга оид тадқиқотчилик кўникма ва малакаларини шакллантириш;

- ўқувчи ёшларни маҳаллий ҳамда регионал экологик муаммоларни ҳал этиш фаолиятига доир амалий ишларга жалб этиш (кўчатлар экиш, ободончилик, ўсимликлар дунёсини асраш)

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев К.Ф., Бобомуродова Н.Ж., Кобилжонов К.К. Высокая духовность основа экологической культуры // Научное пространство: актуальные вопросы, достижения и инновации, 2020. С. 5-8.
2. Абдуллаев К.Ф., Бобомуродова Н.Ж. К проблеме взаимодействия общества и природы // Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI века, 2019. С. 255-256.
3. Бобомуродова Н.Ж. Экологическая культура как общечеловеческая ценность // ББК 74.48 Р 76, 2020. С. 188
4. Бобомуродова Наргиза Жураевна ЗАДАЧИ ШКОЛЫ ПО ОХРАНЕ ПРИРОДЫ ШКОЛЬНИКОВ // Вопросы науки и образования. 2021. №13 (138)
5. Глазачев С.Н. Экологическая культура учителя: Исследования и разработки экогуманитарной парадигмы. — М.: «Современный писатель», — 1998 — С. 432
6. Развитие системы образования — обеспечение будущего. Германова Г.Н., Горшенина М.В., Ескиндинова М.Ж., Зубарева В.А., Карасюк В.В., Коновалова Н.Г., Красильникова Е.В., Макеева И.А., Романенко Е.С., Стовец В.Г., Уткина А.Н., Шаркун Ю.Ф., Шаркун Ю.Ф., Шевченко С.В. Одесса, 2013. Том 1, Книга 3
7. Ситак Л.А. Формирование экологической культуры студентов педагогического колледжа во внеклассной работе: Монография, Пятигорск: ГОУ ВПО ПГЛУ, 2011.-172 с. («педагогический колледж -педагогический вуз»): Монография. -М. 2003, 174 с.